БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 94 (17.674). • 23 апрель 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Мамлакатда автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва асрашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда шу нарса уқтириб ўтиладики, кейинги йилларда мамлакатда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва йўл хўжалигининг ишлаб чиқариштехника базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилинди. Шу беш йилликда бир қанча муҳим автомобиль магистраллари қуриб битказилди ва реконструкция қилинди.

Шу билан бирга автомобиль йўллари қурилиши халқ хўжалигининг эҳтиёжларидан орқада қолмоқда.

Такомиллаштирилган қопламали ободонлаштирилган йўллар тармоғи айниқса РСФСРда етарли равишда ривож топмаган, йўлларнинг техникавий ҳолати эса автомобиль транспортининг ўсиб бораётган ҳаракат ва юк тортиш интенсивлигига жавоб бермаяпти. Автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва асрашда катта камчиликлар бор.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги ҳамда Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлиги ишлаб чиқараётган йўл техникасининг турлари ва бирламчи қуввати йўл хўжалигининг эҳтиёжларини қондирмайди.

Жойлардаги баъзи партия ва совет органлари йўл хўжалигини ривожлантиришга, йўл ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга дуруст эътибор бермаяптилар, маҳаллий йўллар қурилишини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмаяптилар, кадрлар билан ишлашни кучайтиришда, илғор тажрибани жорий этишда шу тармоқнинг бошланғич партия ташкилотларига ва хўжалик раҳбарларига етарли ёрдам бермаяптилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети автомобиль йўллари тобора муҳим иқтисодий ва социал аҳамият касб этаётганини эътиборга олиб ҳамда КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг транспорт ишини такомиллаштириш соҳасидаги талабларига биноан қуйидаги ишларни асосан 1990 йилгача тамомлаш зарур деб топдилар:

Мамлакатнинг йирик иқтисодий районлари ва аҳоли пунктлари ўртасида пухта автомобиль қатновини таъминлайдиган такомиллаштирилган қопламали магистрал автомобиль йўлларининг таянч тармоғи вужудга келтирилади;

Район марказларини, колхозлар ва совхозларнинг марказий қўрғонларини туташтирадиган автомобиль йўллари аввало РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида қурилади.

1981—1985 йиллар учун 80 минг километр узунликдаги автомобиль йўлларини ишга тушириш, шу жумладан умумдавлат ва республика аҳамиятига молик 11,5 минг километр автомобиль йўлларини ишга тушириш топшириғи белгиланди. 1981-1990 йилларда бир қанча жуда муҳим автомобиль магистралларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланди.

Қарорда йўл хўжалигини ривожлантиришга қилинадиган харажатларни планлаштириш ва шунга етарли пул ажратишни тартибга солиш кўзда тутилди.

1981—1985 йилларда автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни асраш ишларини ўтказиш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ихтиёрига зарур материаллар, машина ва механизмларни ажратиш мўлжалланмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Транспорт қурилиши министрлигига умумдавлат ва республика аҳамиятига молик автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш бош схемасига иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳамда СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари билан келишиб, аниқлик киритиш ва схемани СССР Госплани тасдиғига топширишни;

РСФСР Министрлар Советига РСФСРдаги йўл қурилиши комплекс программасини СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари иштирокида ишлаб чиқиб, СССР Госплани билан келишиб тасдиқлашни;

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига йўл ташкилотлари ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳисобга олиб, ўн биринчи беш йилликда автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилиш эҳтиёжларини тўлатўкис таъминлашни назарда тутиб, майдаланган жуда қаттиқ тош ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида ишлаб чиқиб, 1980 йилда тасдиқлашни;

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги билан РСФСР Автомобиль йўллари министрлигига автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатишдаги технология жараёнларини комплекс механизациялаш учун бирламчи куввати оширилган серунум йўл қуриш машиналари системалари, механизмлари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган қувватларни ривожлантириш юзасидан ҳамда йўл ишларидаги қўл меҳнатини камайтириш юзасидан тегишли таклифларни СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида ишлаб чиқиб, 1980 йилда СССР Госплани билан СССР Госстройига тақдим этишни;

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида автомобиль йўллари қурилишини, шунингдек РСФСР Автомобиль йўллари министрлиги амалга ошираётган йўл қурилишни таъминлаш учун СССР Госплани билан 1981 йилдан бошлаб мазкур министрликка норуда материаллар ташийдиган думпкар — вагонларни етарли миқдорда ажратишни;

Химия саноати министрлигига, СССР Госснабига, СССР Ички ишлар министрлигига ва РСФСР Автомобиль йўллари министрлигига автомобиль йўлларига белгилар қўйиш ва безаш учун зарур материалларни, йўл белгилари, кўрсаткичлари тайёрланадиган нур қайтаргич пленкаларни ва махсус усти бош учун газламаларни кўпроқ ишлаб чиқариб, иттифоқдош республикаларнинг йўл ташкилотларига етказиб бериш тадбирларини 1980 йилда ишлаб чиқиш ҳамда 1981—1985 йилларда амалга оширишни;

СССР Алоқа министрлигига ва Алоқа воситалари саноати министрлигига Москва — Минск —Брест, Москва—Киев—Кишинев — Леушени, Москва — Харьков—Симферополь, Москва—Ленинград — Виборг—Торфяновка ва Киев — Львов — Чоп автомобиль йўлларида технология телефон алоқасини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирларини РСФСР Министрлар Совети билан, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети ва Молдавия ССР Министрлар Совети билан биргаликда 1980 йилда ишлаб чиқиб, 1981—1985 йилларда амалга оширишни;

Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлигига, СССР Ички ишлар министрлигига ва РСФСР Автомобиль йўллари министрлигига йўл қуриш ишларининг сифатини ва автомобиль йўлларининг ҳолатини аниқлаш, улардаги ҳаракат режимларини белгилаш учун кўчма автолабораторияларнинг ва приборлар ва ускуналар ишлаб чиқаришни 1981—1985 йилларда кўпайтириш тадбирларини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда 1980 йилда ишлаб чиқишни;

Транспорт қурилиши министрлигига йўл қурилиши соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг 1990 йилгача мўлжалланган комплекс программасини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида ишлаб чиқиб, 1981 йилда СССР Госстройига ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитетига тасдиқлаш учун тақдим этишни, бу программада йўл қурилишининг илғор технологиясини ишлаб чиқишни, йўл қурилишида самарали ва ноанъанавий материаллардан фойдаланишни, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва қўшимча маҳсулотлардан қайта фойдаланишни кўзда тутишни;

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатация сифатларини ошириш, уларнинг ремонтлараро норматив хизмат муддатларига риоя қилиш, шунингдек йўллардаги автосервис корхоналари тармоғини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиб, 1981—1985 йилларда амалга оширишни, шу максадлар учун зарур пул ва моддий ресурслар ажратишни кўзда тутишни;

СССР Госстройи билан СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетига умумдавлат ва республика аҳамиятига молик автомобиль йўлларини қиш фаслида сақлашга бўладиган энергия ва меҳнат сарфини қисқартириш мақсадида шу йўллар атрофида қор тўсувчи ихота ўрмонзорлари барпо этишни 1981 — 1985 йилларда кенгайтириш юзасидан зарур тавсияларни СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда ишлаб чиқиб, 1981 йилда тасдиқлашни;

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигига, Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигига ҳамда Темир йўллар министрлигига йўл маркалари яхшиланган нефть битуми ишлаб чиқаришни 1981—1985 йилларда кўпайтириш юзасидан, уни ўрнини тақсимлаш ва ташиш юзасидан зарур таклифларни 1980 йилда ишлаб чиқишни, СССР Госснаби билан СССР Госпланига эса планларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда шу тадбирларни ҳисобга олишни;

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва асраш ишларида машғул бўлган ходимларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни 1980 йилда ишлаб чиқиб, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Молия министрлигига ва ВЦСПСга тақдим этишни;

СССР Молия министрлигига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларни ремонт қилиш ва сақлаш учун пул маблағлари сарфлаш нормаларини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида ишлаб чиқиб, 1982 йилда тасдиқлашни топширдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети мавжуд моддий ва молиявий ресурсларни марказлаштириш, ишлаб чиқариш технологиясини ва уни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига автомобиль йўлларини қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш учун ички ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширишни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблашни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари зиммасига юкладилар. Йўл қурилишининг сифатини оширишга, йўлларни ремонт қилиш ва сақлашни ташкил этишни яхшилашга, йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантиришга, уларни ишчи ва мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлашга эътибор берилсин. Меҳнатни ташкил этишнинг замонавий технология усуллари ва методларини кенг жорий этишга, йўл ишларида бригада пудрати усулини ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор формаларини оммалаштиришга эришилсин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ, САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ!

БУТУН КУЧНИ УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШГА САРФЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ПРОГРАММА МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 22 апрель. (ТАСС). Космонавтлар Леонид Попов ва Валерий Рюмин Ер атрофи орбитасида ўн тўрт кундан бери ишлашяпти. Экипаж станцияда профилактика тадбирлари билан бир пайтда илмий аппаратларни бўлажак тадқиқот ва экспериментларга тайёрлашни давом эттирмоқда. Бугун космонавтлар кассеталарни бошқатдан зарядлайдилар ҳамда ихчам «Елена» гаммателескопини синаб кўрадилар, айрим приборлар ва аппаратларнинг мустақил электр манбаларини алмаштирадилар.

«Салют-6» — «Союз-35» — «Прогресс-8» орбитал илмий тадқиқот комплексининг учиш программасида Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганишга катта ўрин берилмоқда. Экипаж океанологлар, ўрмон хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг топшириқларига биноан Ер юзи ва жаҳон океани акваториясини визуал кузатиб бормоқда.

Космонавтлар «Кристалл» установкасида космик материалшунослиққа доир технологик эксперимент ўтказдилар. Бу экспериментдан мақсад вазнсизлик шароитларига Ҳиндистон арсинди деган ярим ўтказгич материал олишдан иборатдир.

«Прогресс-8» юк кемаси билан қилинадиган ишлар тугаб бормоқда. Тайёргарлик операциялари бажарилиб бўлганидан сўнг бирлашган мотор установкасининг ёнилғи идиши тўлдирилди. Кейинги икки кун ичида станцияга оксидловчи модда қуйиш мўлжалланади.

Телеметрик информация маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, станция ва иккала кеманинг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Леонид Попов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотни лауреати Абдурасул Эрназаров бошчилик қилаётган маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 130 центнердан «каҳрабо дон» олишга қарор қилишган. Бригадада маккажўхорига биринчи ишлов бериш бошланди. Суратларда: бригада бошлиғи А. Эрназаров ва маккажўхори қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ЯШИЛ НИҲОЛЛАР

БУХОРО (телефон орқали). Ромитан районидаги пахтакорлари чигит экишни тугалладилар. Қисқа муддатда 12175 гектар майдонга чигит экилди. Шуниси қувончлики, чигит экилган майдоннинг 2 минг гектари Коровулбозор массиви ерларидан ўзлаштирилган эди.

Чигит экишда «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан» совхозлари ва Нарманов номли колхоз пахтакорлари жонбозлик кўрсатишди, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Субҳон Рамазонов, «Ромитан» совхозининг Некбой Музаффаров, Нарманов номли колхозининг Истам Турсунов бошлиқ 70 центнерчи бригадаларида дастлаб чигит экилган майдонларда ер бетни яшил ниҳоллар билан қопланди.

Ромитанлик пахтакорлар бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга, яппи ҳосилни эса 60 минг тоннага етказиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ҚИСҚА МУДДАТДА

Қамаши районидаги пахтакорлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 45 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Бунинг учун улар 11600 гектар майдонда деҳқончилик қилишга киришдилар. Район хўжаликларида чигит экиш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ҳар куни 240 экиш агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. Бу ишда «Марксизм», «Коммунизм йўли», «Партия XXII съезди» колхозларининг механизаторлари пешқадамлик қилишаётир.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва немис фашистлари устидан қозонилган Ғалабанинг 35 йиллиги шарафига гектаридан 45—50 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаган «Марксизм» колхозининг Остон Ражабов, «Коммунизм йўли» колхозининг Боймурод Ашуров, Ленин номли колхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ойбаҳор Мардонова каби ўртоқлар бошлиқ бригадалари заршунослари чигит экишни биринчилар қатори тугаллашди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

Республика областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида шу йил 22 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда чигит экилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
АНДИЖОН	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
БУХОРО	3,9	100,0
Қашқадарё	1,3	98,7
Жиззах	3,0	97,6
Фарғона	4,1	91,4
Сирдарё	3,3	90,9
Самарқанд	6,1	83,9
Хоразм	5,7	31,1
ҚҚАССР	3,0	13,9
Республика бўйича	2,5	86,5
Шу жумладан нигичка толали		
СУРХОНДАРЁ	—	101,1
БУХОРО	—	100,0
Қашқадарё	0,3	99,9
Наманган	—	96,8
Республика бўйича	0,1	100,4

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 22 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топширққа нисбатан процент ҳисобида).

ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
Бухоро	0,9	96,9
Сирдарё	0,2	92,7
Самарқанд	0,6	92,5
Фарғона	1,1	83,5
Андижон	0,3	82,1
Наманган	1,9	81,7
Жиззах	0,6	66,0
Хоразм	2,4	34,1
ҚҚАССР	2,0	12,3
Республика бўйича	0,8	78,5

ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

Уйчи районидаги «Ленинчи йўл» колхози деҳқонлари мавжуд 875 гектар майдонга чигит экиб бўлишди. Хўжалик деҳқонлари гектаридан пландаги 38 центнер ўрнига 40 центнердан юқори сифатли пахта етиштириш мажбуриятини олишган.

Хўжаликнинг икки марта Ленин ордени кавалери О. Сиддиқов, «Октябрь Революцияси» ва Ленин орденлари нишондори Ш. Дадабоева етакчилик қилаётган бригадаларида бир текис униб чиққан ғўза ниҳолларига дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

Қ. ТЎРАЕВ.

ИШЧИЛАР САРОЙИ ТУҲФА ҚИЛИНДИ

Бу кун — В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги куни Тошкент самолётсозларининг қўпминг кишилик коллективи учун айниқса унутилмас бўлиб қолади. Самолётсозлар истиқомат қиладиган шаҳарчадаги майдонлардан бирида 22 апрель куни Ўзбекистон пойтахтидаги энг яхши саройларнинг бири бўлган янги, маданият саройи тантанали вазиятда очилди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари «Висотстрой» трести бинокорлари қўлидан ажойиб маданият комплексининг ярқираб турган тилларанг рамзий калитини олдилар. Бу комплексда ҳар қандай томошалар ва йиғилишларни ўтказиш учун жиҳозланган 1500 ўринли универсал зал бор. Бу ерда рақслар зали, кенг фойелар, тўгарак машқлари ва репетициялар ўтказиладиган хоналар, 100 минг томга мўлжалланган кутубхона ҳамда бошқа кўлгина хона ва заллар мавжуд.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан «Висотстрой» трестининг бошқарувчиси В. Қалбердин, авиабирлашма ишчиси Н. Илёсов, бирлашма бош директори В. Сивецнинг нутқларида ишчилар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия билан ҳукуматга миннатдорчилик сўзлари янгради, пойтахт меҳнаткашлари шу ғамхўрликка янги шонли зафарлар билан жавоб қайтаришга ва қарор берганликлари изҳор этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов саройга киравершда лентани қиркади. Меҳмонлар авиасозлар билан биргаликда янги маданият комплексини кўздан кечирадилар. Бу ерда шу куниёқ коммунистик меҳнат зарбдорлари — Ленин юбилейи шарафига ўтказилган мусобақа голибларининг слёти бўлди.

Авиасозларнинг маданият саройи очилишига бағишланган тантанада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаховов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Метро байроғида—Ленин номи

Тошкент метрополитенининг депоси байрамона безатилган. Коллектив ҳаётида шонли воқеа юз берди. Ильич таваллудининг 110 йиллиги нишонланган кунда пойтахт метросига В. И. Ленин номи берилди.

Метрочилар бу юксак шарафга яхши ишлари билан сазовор бўлдилар. Улар поездларни ер остида аниқ график бўйича юксак тезлик билан ҳайдамоқдалар, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатяптилар, йўлнинг ажойиб станцияларини озода ва сариштa сақламоқдалар. Социалистик мажбуриятда ёзилганидек, тўрт ойлик ишлаб чиқариш программаси муддатидан илгари — 22 апрелда бажарилди, ойнинг колган кунларида пландан ташқари бир ярим миллион кишини ташийдилар.

Депода тантанали митинг бўлди. Бу ерда сўзга чиққан метрополитен меҳнаткашлари ўзларига кўрсатилган шараф ва ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдиришдилар, корхона байроғидаги Ленин номини муносиб оқлашга ваъда бердилар. Тошкент метросининг коллективи қурувчилар билан қалин ҳамкорликда 10 август куни метро иккинчи участкасини фойдаланишга қабул қилиб олиб, унда мунтазам қатнов очишга, янги линия нинг иш унумини графикдан ўзиб ўзлаштиришга аҳд қилганлигини таъкидлади.

(ЎзТАГ).

САДОҚАТ ВА МЕҲР-МУҲАББАТ БЕЛГИСИ

22 апрель эрталабдан бошлаб Ўзбекистон пойтахтидаги бош майдон — революция йўлбошчиси, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Ленин номли майдонга колонналар келаверди. В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги кунида унинг ҳайкали пойига сон-саноқсиз гуллар қўйилди.

В. И. Ленин ҳайкали пойига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, Ўзбекистон пойтахти корхоналари ва ташкилотларининг коллективларидан гуллар қўйилди. Майдонда шу куни пионерларнинг қизил галстукларини биринчи марта бўйинларига таққан ёш ленинчиларнинг тантанали ваъдаси янгради. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК—ЁШЛАР БАЙРОҒИ

22 апрель куни Ўзбекистон пойтахтида ёшларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган намойиши бўлиб ўтди. Колонналарда Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари билан ёнма-ён мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлар университетларининг вакиллари ҳамда анъанавий Тошкент фестивали «университетлар дўстлиги ҳафталиги»га келган социалистик система мамлакатлари студентларининг вакиллари ҳам ўтдилар. Йигит-қизлар жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳайкали пойида Ильич васият қилган халқлар дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қасамёд қилдилар.

Тошкентда университетлар дўстлиги фестивали учинчи марта ўтказиляпти. Бу йил фестиваль Ленин юбилейи кунларида ўтмоқда. Байрамнинг ташкилотчиси — бу йил 60 йиллигини нишонлайдиган Тошкент давлат университети Ленин номидадир. Фестиваль программасидаги тадбирлар — «Ленинча миллий сиёсат амалда» мавзуидаги илмий-назарий конференция, интернационал дўстлик кечаси, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидаги учрашувлар ва бошқа тадбирлар Ильич номи билан боғланган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги актив ва самарали ишлари учун ҳамда ташкил этилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан **Фарғона область комсомол ташкилоти** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 22 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Л. П КАЮМОВГА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори, филология фанлари доктори, профессор Лазиз Пўлатович **Каюмовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 22 апрель.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

Андижон область партия комитети Комсомолобод район партия комитетининг коммунистларни партиявий бурчни оғишмай бажариш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишига доир ҳисоботини тинглади. Қабул қилинган қарорда райком коммунистларни ижтимоий активлик ва масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялаш борасида муайян тажриба орттирганлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозирда коммунистларнинг 82 процентдан зиёди бевосита ишлаб чиқаришда банд. КПСС сафига қабул қилинаётган кишиларнинг 69 процентини ишчилар, 35 процентини хотин-кизлар ташкил этмоқда.

Район партия комитети сўнгги икки йил мобайнида коммунистларнинг КПСС Устави талаблари, партия топшириқлари ва хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ахборотларни олти маротаба тинглади. Бошланғич партия ташкилотлари ҳам коммунистларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб борадиган бўлиб қолдилар. Якка тартибдаги суҳбатлар уларнинг активлигини янада ошириш имконини бермоқда. Коммунистлар фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этишда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг роли кучаймоқда.

Район партия ташкилотларида вужудга келган сиёсий ва меҳнат активлиги вазияти коммунистларда меҳнат коллективидаги ишнинг аҳволи учун масъулиятни муттасил ошириб боришга, улар янада ташаббус ва активлик кўрсатиб ишлашларига имкон бермоқда. Сўнгги икки йилда коммунистлар ва меҳнат коллективларининг бешта ватанпарварлик ташаббуси маъқулланиб, кенг оммалаштирилди. Бошланғич партия ташкилотлари эса 40 дан ортиқ ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Натижада 12 қурилиш ва 24 пахтачилик бригадаси, 70 коммунист ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Беш йилликнинг ўтган муддатида давлатга планга қўшимча 5,2 минг тонна «оқ олтин» сотилди.

Шу билан бирга область партия комитетининг қарорида таъкидланганидек, район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган коммунистларнинг масъулиятини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини кучайтиришда уларнинг таъсирини ошириш масалаларига ҳамиша ҳам етарли эътибор бераётирлар деб бўлмайди. Коммунистлар етакчилик қилаётган баъзи меҳнат коллективларида оксаш содир бўлаётир. Айрим коммунистлар орасида меҳнат интизомини, социалистик турмуш нормаларини бузиш фактлари содир бўлмоқда. Натижада баъзи партия аъзолари партиявий ва жиноий жавобгарликка тортилдилар. Маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссиялар составига сайланган коммунистларнинг масъулиятини ошириш борасида етарли иш олиб борилмаётир. Йиғилишларда коммунистларнинг активлиги ҳамиша ҳам юксак даражада деб бўлмайди. Баъзи ҳолларда танқидий мулоҳазалар эътиборсиз қолдирилмоқда. Қарорларнинг ижроси изчил ташкил этилмаётир.

Область партия комитети Комсомолобод район партия комитетига бу камчиликларни бартараф этиш, КПСС XXV съезди қарорларини муваффакиятли бажариш, ўнинчи беш йиллики ёғуғ юз билан якунлаш учун коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган таъсирчан чоралар кўришни топширди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Жиззах область партия комитети яқинда Арнасой район партия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда район партия комитети КПСС XXV съезди, Узбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажара бориб, партия аграр сиёсатини изчил амалга ошираётганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида муайян ютуқларга эришаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Район совхозлари беш йилликнинг тўрт йилида 172,5 тонна пахта, 55,7 минг тонна дон, кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирдилар. Уртача йиллик ўсиш суръатлари сезиларли даражада ошди. Хўжаликларда чорвачилик ривожланиб бормоқда. Совхозларнинг фонди ва техника даражаси анча ўсди. Меҳнат унумдорлиги 9,3 процент ошди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши яхшиланди.

Тимошенко ва Гречко номли совхозларнинг коллективлари пахта, дон, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш борасида айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Бу хўжаликларда давлатга маҳсулот етказиб бериш планлари муттасил ортиғи билан бажарилмоқда.

Шу билан бирга, қарорда таъкидланганидек, район партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида муайян резервлар ва имкониятлардан тўла фойдалана олмаётирлар. Пахта—беда алмашлаб экиш сust жорий этилаётир. Бошоқли дон экинлари қосилдорлиги паст. Саб-завотчиликда ҳам бир қатор камчиликлар юз бермоқда. Баъзи хўжаликларда ерларнинг мелиоратив ҳолати емонлашиб боришига йўл қўйилмоқда. Техникани сақлаш, чорвачиликни ривожлантиришда ҳам нуқсонлар йўқ эмас. Ўрта звено кадрлари ва механизаторларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ишида бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Қарорда партиявий-ташкилий ишдаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунонки, район партия комитети совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига ҳамиша амалий ёрдам кўрсатаётир деб бўлмайди.

Область партия комитети Арнасой район партия комитетига кўрсатиб ўтилган нуқсонларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўриш, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадларини кўзлаб, фан-техника тараққиёти самаралиридан ҳар томонлама фойдаланишни топширди. Область партия комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасида райком йўл қўяётган камчиликларни тез орада бартараф этишга қаратилган конкрет тадбирлар белгилади.

ТАШАББУСНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

Пойтахт область мебель саноати корхоналарида «Қолоқларсиз ишлаймиз» ҳаракатининг кенг оммалашуви асосий-иқтисодий кўрсатгичлар бўйича қувончли натижаларни қўлга киритиш имконини бермоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган муддатида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари планда белгиланганидан 3,6 процент юқори бўлди. Меҳнат унумдорлиги ҳам 3,1 процент ошди. Планга қўшимча 7,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ростовликлар ва Янгийўлликларнинг ташаббусига 57 цех, 233 бригада коллективи, ишлаб чиқаришнинг 6 минг новатори қўшилди. Коммунистлар қолоқларсиз ишлаш ҳаракатининг олдинги сафида бормоқдалар. Улар етакчи участкаларда партиявий ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, ҳамкасбларига бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ, самаралироқ меҳнат қилиш маҳоратини ўргатмоқдалар. Бу ватанпарварлик ҳаракатининг қатнашчилари белгиланган топшириқларни муттасил ошириб бажармоқдалар, маҳсулот сифатини оширишга эришмоқдалар.

Лекин Олмалиқ, Янгийўл мебель фабрикалари, Тошкент махсус мебель заводи партия ташкилотлари комплекс планларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга етарли аҳамият бермаётирлар, ватанпарварлик ташаббусларини кенг қулоч ёйдириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишга, ватанпарварлик ҳаракатларининг ролига зарур даражада баҳо берилмаётир. Бу корхоналарда меҳнатни бригада асосида ташкил этиш ва рағбатлантириш, ишчиларнинг шахсий ташаббуси бўйича ишлаб чиқариш нормаларини қайта кўриб чиқиш тажрибаси кенг жорий этилмаётир. Натижада социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланмаётир. Иш вақтини бекор ўтказиш фактлари ҳамон содир бўлмоқда. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида прогул туфайли 4 йил ичида 50 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Олмалиқ мебель фабрикасида кадрлар қўнимсизлиги камаймаётир.

Бу нуқсонлар асосий ҳолларда ташаббусларни кенг қулоч ёйдириш иши идеологик жиҳатдан сust таъминланаётгани натижасидир. Ишчи ва хизматчиларнинг фақат 40 процентигина сиёсий ва иқтисодий ўқувларга жалб этилган. «Қолоқларсиз ишлаймиз» ҳаракати кўргазмали агитациялар воситасида етарли пропаганда қилинмаётир.

Тошкент область партия комитети мебель саноати корхоналари бошланғич ташкилотларининг қолоқларсиз ишлаш ҳаракатини кучайтириш борасидаги фаолиятини муҳокама қилиб, Тошкент, Олмалиқ, Янгийўл шаҳар партия комитетларига бошланғич партия ташкилотларига бу соҳада амалий ёрдамни кучайтириш, уларнинг меҳнат коллективларидаги ижодий активликни ошириш соҳасидаги ишини янада жонлантиришни топширди.

Мусобақа Эҳтиёжлари

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Республика кўзи ожизлар жамияти корхоналарининг коллективлари улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Муддатидан илгари — 22 апрель куни жамият корхоналари товар маҳсулоти реализация қилиш тўрт ойлик планини адо этдилар. Пландаги 17 миллион ўрнига 17 миллион 40 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ой охиригача пландан ташқари яна 1,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация этилади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Бухоро қоракўл тери заводининг коллективи бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 200 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилди. Бунда қоракўл терининг «олтинсимон сур», «қоракўлча» сингари ғоят қимматли навларини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Бундай терилар мамлакатимизда ва чет элларда ғоят манзур бўлмоқда. Корхона меҳнаткашлари терилари ишлаш технологиясининг такомиллаштирилганлиги, жараёнларнинг механизациялаштирилганлиги туфайли графикдан ўзиб ишламоқда ва тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажариб қўйди.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Урганч пиллакашлик фабрикасининг коллективи ипак саноати марказий илмий-тадқиқот институти олимларининг тавсияларига мувофиқ технология жараёнини анча такомиллаштирди. Пиллани бўғлатгиришнинг оптимал режими топилди, шу йўл билан биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар комплекси амалга оширилди. Бу эса иш самарадорлигини, умумий пировард натижадан ҳар бир кишининг манфаатдорлигини оширди, социалистик мусобақа ривожлантиришга ёрдам берди. Ипакчилардан 20 га яқин киши ҳозирдаёқ шахсий беш йиллик топшириғини бажариб қўйди. Пилла ўровчилардан — Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Бекпошша Бобожонова шундай пешқадамлар жумласидандир. У ҳозир 1981 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ипакчилар майолди зарбдор вахтасида туриб, байрамгача пландан ташқари 35 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишни мўлжалламоқдалар.

Газетхонлар илтимосига кўра

ИНСОН ҚАДРИ

«Партия ва ҳукуматимиз, халқимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, инвалидлари ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий томондан ёрдам бермоқда.

Ҳурматли редакция! Партия ва ҳукуматимиз бизнинг — уруш иштирокчиларига кейинги йилларда берган имтиёзлар тўғрисида кенгроқ маълумот бергани эдик.

Бир группа Улуғ Ватан уруши қатнашчилари номидан Н. Назиров».

Газетхонлар хатига республика социал-таъминот министри В. С. СОДИҚОВА қуйидагича жавоб берди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи она-Ватанни ҳимоя қилишда ўз саломатлигини йўқотган жангчилар, Улуғ Ватан уруши инвалидлари тўғрисида мунтазам ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уруш ветеранлари, она-Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун қон тўкиб, бизнинг бугунги фаровон ҳаётимизни сақлаб қолган кишилар мамлакатимизда алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинганлар. Уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва саломатликларини тиклашларига эътибор берилмоқда. Барча ҳарбий хизматчилар ва уруш инвалидларига имтиёзли шартлар билан давлат пенсиялари тўланаётир. Улар медицина хизматидан кенг фойдаланмоқдалар. Курортлар ва санаторийларда даволанмоқдалар, транспорт воситалари, протез, ортопедия буюмлари билан таъминланмоқдалар.

Мамлакатимизда социал-таъминотнинг давлат системаси ташкил этилиши ва шу билан бирга социалистик Ватан ҳимоячилари — жангчиларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш бўйича улкан ғамхўрлик кўрсатиш улуғ доҳийимиз В. И. Ленин номи билан боғлиқ. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин ташаббуси билан уруш инвалидларининг турмуш шароитини яхшилаш борасида уларга қўлдан келганча ёрдам берилди эди. Октябрь революцияси амалга оширилганидан сўнг доҳийимиз социал таъминот масалалари бўйича олтмишдан ортиқ декрета қўл қўйди. Гражданлар уруши тугагандан сўнг мамлакатимиз экономикаси бирмунча мустаҳкамланганч, Совет давлати инвалидларнинг социал таъминоти учун катта маблағ ажрата бошлади.

Улуғ Ватан урушининг энг оғир йилларида давлат томонидан инвалидлар учун қатор имтиёзлар берилди. Улардан олинадиган даромад солиқлари ва бошқа тўловларнинг миқдори камайтирилди, уларни уй-жой билан таъминлашда, даволаниш, ишга жойлашишларида бирмунча имтиёзлар белгиланди.

Партия ва ҳукуматимиз социал-таъминотни ривожлантиришнинг ленинча йўлини давом эттириб, Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганидан сўнг уруш инвалидларининг турмуш шароитини яхшилаш, уларга ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига социал ёрдам кўрсатиш соҳасида имтиёзларни янада оширишга қаратилган янгидан-янги қарорлар қабул қилди.

1946 йил 1 январдан бошлаб Ватан уруши биринчи группа инвалидларининг пенсиялари миқдори икки ва ундан кўпроқ марта оширилди. 1959, 1965 ва 1967 йилларда эълон қилинган ҳукумат қарорларида биринчи, иккинчи, учинчи группа инвалидларининг пенсияларини янада ошириш кўзда тутилган эди. Уларнинг пенсия олиш ёши белгиланган умумий пенсия олиш ёшидан беш йил камайтирилди.

1970 йил май ойида СССР ҳукумати уруш инвалидларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди.

Республикамизда социал таъминот органлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан уруш инвалидларининг, ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг моддий-маиший талабларини қондириш бўйича ҳукумат қарорига биноан қатор ишлар амалга оширилди. Жойларда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг қарори бўйича Ватан уруши инвалидларини уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишда имтиёзлар берилди. Биринчи группа инвалидлари корхоналар, идоралар, колхоз ва совхозлар оталиғига олинди. Колхозлар, совхозларда инвалидлар ва уларнинг оилаларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш, уларга қўшимча пенсия бериш, уй-жой шароитини яхшилаш, уй-жойларини ремонт қилиш ва инвалидлар учун янги уйлар қуриш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ҳукумат қарори эълон қилинганидан сўнг республикамизда 9 мингдан ортиқ Ватан уруши инвалидлари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари квартира билан таъминланди, 18 мингдан ортиқ кишининг уй-жойлари ремонт қилиб берилди. Уй-жой қуриш учун 4 минг сўм ссуда берилди. Якка тартибда уй-жой қуришга 4 минг участка ажратилди. 53 миллион сўмдан ортиқроқ пул моддий ёрдам учун берилди.

Ватан уруши инвалидларини транспорт билан таъминлашда катта имтиёзлар берилган. 14 мингдан ортиқ уруш инвалидларига бепул «Запорожец» автомашинаси, шунча мотоколяска берилмоқда. Ўз маблағлари ҳисобига имтиёзли шарт билан 9 минг инвалид автомашина олди. Барча инвалидлар протез ва ортопедия пойафзали билан ва бошқа турдаги протезлардан бепул фойдаланмоқдалар. Улар санаторий-курортларга бепул путёвкалар олмоқдалар, уларга йўл харажатлари тўланмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига имтиёзлар тўғрисида қабул қилган қарори Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчиларига берилган имтиёзларни янада кенгайтирди. Бу қарорга биноан биринчи, иккинчи группа инвалидлари ҳар йили бир марта темир йўл, сув йўлларида бепул юриш ҳуқуқига эга. Уларнинг пенсиялари эса 10 процент миқдорида оширилади.

Ишлаб турган учинчи группа инвалидлари даромад солиғидан озод қилинадилар. Улар ва ҳалок бўлган жангчилар оила аъзоларининг коммунал хизмат, квартира ҳаки ва иситиш учун қилинадиган харажатларга тўловлари 50 процент камайтирилади. Шунингдек, уларнинг пенсиялари 33 сўмдан 40 сўмгача етказилади.

Улуғ Ватан уруши ва Гражданлар уруши иштирокчиларининг даромад солиқлари 50 процент камайтирилади. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг офицерлар составини пенсия билан таъминлаш ҳам яхшиланади. Бу қарор 1980 йил 1 майдан кучга киради.

Онлада қаровчиси бўлмаган инвалидларни парвариш қилишни давлатимиз ўз оталигига олган. Республикамизда 30 интернат-уйида кўплаб инвалид пенсионерлар давлатимиз томонидан тўла таъминланмоқдалар. Уларнинг орасида Улуғ Ватан уруши инвалидлари ҳам бор. Улар учун республикамизда махсус 250 ўринли интернат-уйи ишлаб турибди.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда жамоатчилик ёрдамида социал-таъминот органлари ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг уруш инвалидлари ва иштирокчиларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорларини зудлик билан амалга ошириш учун, уни ҳар бир уруш инвалиди ва иштирокчисига тушунтириш учун катта иш олиб бормоқдалар.

Коммунистик партиянинг коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш, ижтимоий фондларнинг мунтазам ўсиши давлатимиз меҳнаткашлар социал-таъминотнинг барча категорияларини кенгайтириш ва яхшилаш тўғрисида, биринчи галда Ватан ҳимоясида ўз саломатлигини ва меҳнат қобилиятини йўқотган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишга имкон беради. Уруш инвалидларининг моддий ҳаёт даражасини янада кўтаришга, уларга кенг имтиёзлар беришга шароит яратади.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ЯШНАЁТГАН «ГУЛШАН»

Кейинги йилларда Янгиқўрғон райони қишлоқларида қурилаётган янги замонавий посёлкалар сони ортиб бормоқда. Шундай обод ва кўркам посёлкалардан бири Гулшандир. Гулшан қишлоқ Совети территориясида магазин, новвойхона, ҳаммом, кинотеатр каби маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари меҳнаткашлар хизматида. Бешта мактабда 2142 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Тўртта болалар боғчасидаги тарбиячилар 295 нафар кичкинтойга оналик меҳрини кўрсатмоқда.

Гулшан посёлкаси кундан-кунга чирой очяпти. Йўлнинг икки чеккасида олтмишдан зиёд замонавий уй-жой биноси унинг кўркига кўрк қўшган. Тўқсон ўринли болалар яслиси, 624 ўринли типовой мактаб биносида пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Яқин келажакда бу ерда 324 хўжаликка мўлжалланган уй-жой биналари қад кўтаради. Шунингдек, савдо маркази, ошхона, ҳаммом, мехмонхона каби ўндаб маданий-маиший хизмат масканлари посёлка аҳлига хизмат кўрсата бошлайди. Гулшанни «Чортоқ» санаторийси, Қорабоғ қишлоғи билан боғлайдиган Чортоқсой устига катта кўприк қурилади, автобус қатнови йўлга қўйилади. Посёлкага кираверишда шодлик ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжоннинг бюсти ўрнатилади.

А. ОТАЖОНОВ.
Наманган области.

КЎПЧИЛИК МИННАТДОР

Мен Ворошилов районидаги «Узбекистон 50 йиллиги» совхозида ишчи бўлиб ишлайман. Тўсатдан бир оёқ бир қўлим ишламай қолди. Ҳамкасбларим ёнимга келишганда деярли беҳуш ётардим. «Теез ёрдам» машинаси Сирдарё область бирлашган касалхонасига олиб бориб қўйибди. Мен бу ерда уч ой даволандим. Қўли сингил шифокорларнинг ширин сўзи, илтифотлари ва меҳрибонликлари туфайли яна оёққа турдим. Неврология бўлими мудири Х. Ҳожимуродов, шифокорлардан О. Жўраев, А. Имомов, ҳамширалардан М. Толипова, Г. Пономареваларнинг атрофимда парвона бўлишлари менга катта маънавий мадад берди. Битта мен эмас, уларнинг камтарин меҳнатларидан кўпчилик даволанувчилар миннатдор бўлишмоқда. Раҳмат сизга, азиз шифокорлар.

Ж. УЛАШЕВ.
Сирдарё области.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Кечки пайт район матлубот жамияти биноси ҳоналаридан бирига ўзгача файз кирди. Ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофидан меҳнат илғорлари ўрин олдилар. Уларнинг ҳаммасини бу ерга жам қилган нарса —ишчи Ортиқовлар оиласидаги шодиёна эди.

—Бугун мен жуда катта қувонч билан Гулчеҳрахон Ортиқовага «Қаҳрамон она» медалини топшираман, — деди район ижроия комитетининг маъсул ходими, — болаларнинг барчасига, она ва оталарига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман.

Қарсаклар янгради. Онанинг кўзларида қувонч ёшлари кўринди...

Марказий Фарғона чўлларига ҳужум бошланган кунларда Ортиқовлар оиласи ҳам чўлқуварлар сафига қўшилди. Турдиали ака умр йўлдоши Гулчеҳрахон билан Комсомолобод районидаги Оқолтин матлубот жамиятига олдий ишчи бўлиб ишга кирди. Улар бу ерга беш киши бўлиб келган эдилар. Ҳозир эса оила аъзолари 13 кишидан иборат. Кичик фарзандлари шу чўлда туғилган. Энг катта ўғиллари Рустамжон ҳунар-техника билим юртида ўқиянти. Механизатор бўлмоқчи.

Меҳнатсевар оилага қишлоқда кўпчилик ҳавас қилади. Бу ҳурмат-эътиборга Турдиали ака оиласи фақат ҳалол меҳнати туфайли эришгандир.

Қ. СОБИРОВ.
Андижон области.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганч консерва-пиво пишириш заводи коллективи ўнинчи беш йиллиги якунловчи йилида қовун ҳамда хўл мевалардан тайёрланган беш миллион банкадан зиёд консерва ишлаб чиқаради. Айниқса, қовундан тайёрланадиган мураббо, павидло ва жемлар истеъмолчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлиб, нўплаб чет эл мамлакатларига ҳам чиқарилмоқда.

Суратда: консерва цехининг илғор ишчиси Зулфия Қиличева экспорт этиладиган маҳсулотларни намойиш қилмоқда.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг 4-сони босмадан чиқди. У Халқ Комиссарлари Совети Ишлар бошқармасининг биринчи бошқарувчиси В. Д. Бонч-Бруевичнинг доҳий ҳақидаги хотираларига бағишланган «Мен ҳам ҳаммадайман» ва «Ленин васиятларига содиқмиз» рубрикаси остида Узбекистон КП Хоразм область комитетининг секретари С. Курбоновнинг «Сўзимиз ғанот бағишласин» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Ленин темасига оммавий ахборот воситалари: газеталар, журналлар, телевидение ва радио ҳам етакчи ўрин ажратмоқдалар. Ленин ғояларини пропаганда қилиш В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан айниқса авж олиб кетди. Ниҳоятда серқирра ленинча тематиканиг газета саҳифаларида ва радиоэшитиришларда қай тарзда ёритишга эришилганлиги ҳақида республика радиоси пропаганда бош редакциясининг бош редактори Н. Тожибоев «Радио Ленинномаси», «Ленин байрағъы» газетаси партия турмуши бўлимининг мудири А. Велиев «Юбилейга зарбдор меҳнатимиз» ҳамда Калинин район «Ленинчи» газетасининг редактори Ҳ. Қаюмов «Доҳий номи билан» сарлавҳали интервьюларида фикр юритилган. Петроград шаҳри Виборг районининг собиқ қизил гвардиячиси, 1917 йилдан КПСС аъзоси, Қишки саройга ҳужум қатнашчиси, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиси К. П. Синозерскийнинг «Иккі учрашув» деб номланган хотиралари ҳам улуғ доҳий В. И. Ленин ҳақидадир.

«Мухбир» журнали бу сафар ҳам район газеталари, ишчи-деҳқон мухбирлари университетларига оид қизиқарли материаллар берган.

АВТОТРАНСПОРТДА БРИГАДА ПУДРАТИ

ОЛИСНИ КЎЗЛАГАН ЙИГИТЛАР

ФАКТ ВА ШАРҲ

Ҳабибулла Абдужабборов! Бу ном республикамиздан ҳам ташқарида маълум ва машҳур. Узбекистон автомобиль транспорти машъалларидан бири, Ленин ордени соҳиби, Бекобод шаҳридаги 16-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Ҳ. Абдужабборов мана бир неча йилдирки, тармоқда ибрат кўрсатиб ишлаб, бошқаларни ўз изидан эргаштириб келмоқда. Бу юк доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига авж олдириб юборилган социалистик мусобақа шарофати билан яқинда у бошлиқ бригада катта зафар қучди. Коллектив юбилей муносабати билан зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятни бажарди. Ҳабибулла Абдужабборовнинг ўзи эса бир беш йиллиқда икки беш йиллик шахсий нормасини адо этиш юзасидан берган ваъдасининг устидан чиқди. Биз илғор шоферининг бу катта ютуғини шарҳлаб беришни сўраб, Узбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гавриловга мурожаат қилдик.

— КПСС XXV съезди ишлаб чиққан иқтисодий стратегия халқ турмушининг моддий ва маданий савиясини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламдаги проблемаларни ҳал қилишни кўзда тутади, — деди Александр Фадеевич. — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида халқ хўжалигининг турли соҳаларида, чунончи, транспортда меҳнатни ташкил қилишнинг шакл ва усулларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилган.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти Узбекистон экономикасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Тармоғимиз ходимлари олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида социалистик мусобақа меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари, жумладан зеленоградлик таниқли винокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин бошлаб берган бригада пудрати усули жорий этилаётганлиги муҳим омилдир. Бизнинг соҳамизда янги усул бўйича ишлаш ташаббусини Бекободдаги 16-автотранспорт корхонасининг Ҳабибулла Абдужабборов етакчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси бошлаб берди.

Бригадада 27 нафар юқори классли ҳайдовчилар жамланган. Уларнинг ҳаммаси ўз касб-корининг барча сирларини яхши билувчи, ҳар бири икки кишининг ишини бемалол уддалай олувчи ажойиб ишчилардир. Бекободлик ҳайдовчилар ўз қўл остиларидаги қудратли «КРАЗ» машиналарига юк ортиш ва тушириш пайтида вақтни ниҳоятда тежаш, белгиланган манзилнинг энг мақбул маршрутини танлаш йўли билан ҳар куни смена топшириқларини анча ошириб адо этишяпти.

Бекободликлар қўлга киритаётган юксак меҳнат унумдорлигида ҳеч қандай сир йўқ. Муваффақиятни таъминлаётган энг асосий омил — бу меҳнатни оқилона ташкил қилишдир. Бригада аралаш графикка биноан уч еменада ишламоқда. Ҳар бир звенога тажрибали шофер бошчилик қилади. У ўзига бўйсунувчи ҳар бир ҳайдовчига кунлик, ўн кунлик, ойлик топшириқларни олдиндан белгилаб беради. Ҳар кунлик иш якунларини кўриб чиқади. Бу меҳнатда ва иш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган турли тўсиқларнинг сабабларини оператив аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини бермоқда.

Ҳ. Абдужабборов бошлиқ бригаданинг ўзига хос ютуғи шундаки, бекободликлар бригада пудратчни жорий этаётганларида Злобин методига ижодий ёндашдилар. Ўз ишларининг хусусиятларини инобатга олиб, янгиликлар киритдилар. Масалан, бригада аъзолари одатдаги ҳайдовчилар ва мижозлар ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномадан воз кечиб, «Ҳайдовчилар — юкчилар — механизаторлар — автокорхона — мижозлар» схемасида ишлашга ўтдилар. Янгича шартномага қўл қўйган томонларнинг ҳар бири бу схемага кўра, пировард натижанинг юқори бўлишидан манфаатдорлиги туфайли машиналарнинг бекор туриб қолмаслиги, юкларнинг тезроқ ташилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Ташаббускор ҳайдовчилар машиналарнинг кутилмаганда бузилиб қолиши олдини олиш, техника қарови муддатини қисқартириш йўлларини ҳам ўйлаб топишди. Шу мақсадда автокорхонанинг асосий мижози бўлмиш норуда материаллар заводидан сал нарида автомобилларга хизмат кўрсатувчи ва ремонт қилувчи участка ташкил қилдилар.

Маълумки, ўтган йили Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ бригада иш тажрибасини маъқуллаб, уни республиканинг барча автомобиль транспорти корхоналарида кенг ёйишни тавсия қилган эди. Қарорга кўра, бригадада тажриба мактаби иш бошлади. Ҳозирги кунда Узбекистоннинг барча областларидан келган автохўжаликларнинг кўплаб бригада бошлиқлари ва шоферлари Ҳабибулла Абдужабборовдан юқори меҳнат унумдорлигига эришиш йўлларини ўрганишмоқда.

Республикамизда Ҳабибулла Абдужабборов бригадаси изидан бориб, бригада пудрати усули имкониятлари, ҳам тўла-тўкис фойдаланаётган коллективлар сони тобора кўпаймоқда. Алимкентлик Н. Подеригин, шаҳрисабзлик П. Абдурахмонов, тошкентлик Ж. Қорабоев, Г. Мезниковлар етакчилик қилаётган коллективлар ленинча меҳнат вахтасида туриб, фидокорона меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар.

Бригада пудратининг базаси катта. Уни ривожлантириш истиқболлари ҳам порлоқ. Бизнинг вазифамиз — келаси беш йилликда автомобиль транспортида меҳнатни ташкил этишнинг ушбу янги формаси ҳаммаёқда жорий этилишини таъминлашдан иборатдир.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида пахтачилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Бу хўжалик қатор йиллардан буён гектаридан 47—48 центнердан пахта етиштириб, ҳосилдорликни ошириш соҳасида республикада олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Пахта-беда алмашлаб экиш, озуқа экинларини аралаштириб ва такрор экиш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Колхоз чорвадорлари ҳар бир сигирдан қариб беш минг килограммдан сут олишга, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 500 килограммдан оширишга эришмоқдалар. Колхоз раиси М. Пўлатовнинг қуйидаги мақоласида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Колхозимиз юқори ҳосилли пахтакор хўжалик сифатида танилган. Пахтакорларимиз мана, ўн беш йилдан кўпрок вақтдан буён барқарор ҳосил олишга, давлатга тобора кўпроқ пахта сотишга эришиб келмоқдалар. Бир неча йилдирки, ҳар гектар ердан 47—48 центнердан ҳосил олиб келяпмиз.

Лекин бунга осонликча эришганимиз йўқ. Кечагидай эсимда, эллигинчи йилларнинг охирида ҳар гектар ердан бор-йўғи 12—13 центнердан ҳосил олинарди. У вақтларда ҳозиргидек қудратли техника йўқ эди, албатта. Ғўза кетмон билан чопиқ қилиниб, пахта асосан қўл билан терилади. Йиғим-терим ишлари нақ январь ойига тақалиб борарди. Шундай бўлгандан кейин кузда ерни шудгор қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Пахта майдонлари баҳорда апил-тапил ҳайдалиб, чигит экиларди. Бунинг устига пахтакор хўжаликлар минерал ўғитлар билан ҳозиргидек етарли даражада таъминланмасди.

Техника етарли бўлмаганлиги, ерга минерал ўғитлар зарур миқдорда солинмаганлиги, ғўза яхши парвариш қилинмаганлиги сабабли ҳосил кам бўларди. Ер ориқлаб кетганлиги ҳам ҳосилнинг белига тепарди. Ориқ ер ўз унум берарди.

Колхоз раҳбарлари, мутахассислари, пахтакорлари олдида ҳосилдорликни қандай қилиб ошириш мумкин деган савол кўндаланг бўлиб турарди. Бу вақтга келиб пахта майдонларида кенг тарқалган ҳар палак касаллиги ҳам ҳосилга катта зарар етказа бошлаганди.

Дала ишларини механизациялаш даражасини ошириш билан бир қаторда, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш ернинг унумдорлигини, бинобарин ҳосилдорликни оширишнинг асосий омили деган ҳулосага келинди. Ҳақиқатан биз пахта етиштиришни кўпайтиришнинг тўғри йўлини топдик ва ундан қадил бормоқдамиз. Пахтачилик учун жуда ноқулай келган ўтган йили гектаридан 47,5 центнердан ҳосил олинганининг боиси, биринчидан, пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш соҳасида тўплаган бой тажрибаларини ишга солиб ва ўз ихтиёрларидаги қудратли техника кучидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини намунали ташкил этганлари бўлса, иккинчидан, алмашлаб экиш туфайли тупроқнинг унумдорлиги кескин ошганлигидир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Иброҳимов, шунингдек Э. Ўразқулов, Э. Бозорбоев, Г. Хитоев, А. Зоитовлар бошлик бригадаларда ҳосилдорлик 50—55 центнер ва бундан ҳам кўпроқни ташкил этди.

Пахтакорларимиз бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ва давлатга беш минг тонна «ок олтин» сотишга ваъда беришган. Шу мақсадда мавжуд минг гектар майдонга чигитни қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олишди. Улар улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини ғўза ва бошқа экинлар парваришини кучайтирган ҳолда кутиб олдилар.

Бизда алмашлаб экиш, аниқроқ қилиб айтганда беда туфайли чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси вужудга келди. Беда шундай экинки, унинг «хизмати» ернинг унумдорлигини, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш билан чегараланмайди. Беда айни вақтда чорва моллар учун ем-хашак етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган энг тўйимли ва қимматли озуқа ҳам ҳисобланади. Чорвачилик учун фойдаси жиҳатидан бошқа ҳеч қандай экин бедага тенг келолмайди. Шуни айтиш керакки, пахта-беда алмашлаб экиш жорий этилгач, колхозда етиштириладиган озуқанинг миқдори қариб бир ярим баравар кўпайди.

Суғориладиган ерларимиз майдони у қадар катта эмас. 336 гектар ерда озуқа экинлари етиштирамиз. 130 гектар эски бедапоямиз бор. Бу йил баҳорда яна 68 гектар ерга янги беда, дон учун 30 гектар ерга маккажўхори экдик. Одатда биз дон учун маккажўхорини лавлагига, бедани эса силос учун маккажўхорига, арпа ва судан ўтига аралаштириб экамиз. Бу йил ҳам янги беданинг ўн беш гектарини арпага, ўн гектарини судан ўтига ва колганини маккажўхорига аралаштириб экдик.

Айрим холларда шундай ҳам бўладики, маккажўхорини лавлагига, бедани эса бошқа озуқа экинларига аралаштириб экилади-ю, аммо улардан кутилган ҳосил олинмайди. Бу ерда ган суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан кўпроқ манфаат кўрган ҳолда фойдаланиш, унга экилган экинлардан имкони борича кўпроқ ҳосил олиш ва шу тариқа чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан ғўшт, сут етиштиришни кўпайтириш ҳақида боравтир.

Маккажўхорини паҳлавон экин деймиз. Қулай агротехника мудатида сифатли қилиб экилса ва текис ҳамда соғлом ундириб олинса, сўнг яхши парвариш қилинсагина маккажўхори чинакам паҳлавон экинга айланади, Биз аввало ҳар йили алмашлаб экиш схемасига биноан уч йиллик беданинг бир қисмини ва маккажўхори экилган ерни ўтган йили пахта етиштирилган ер билан алмаштирамиз. Маккажўхори ва янги бедани ўғитлаб, чуқур шудгор қилинган ерга экамиз. Қоларверса, маккажўхорини ёзда сифатли парвариш қиламиз. Уни етарли даражада озиқлантирамиз ва суғорамиз. Ҳосилини эса етилиши билан йиғиштириб оламиз. Шу йўл билан ундан мўлкўл дон ва силосбоп кўкпоя оламиз. Масалан, ўтган йили ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан силосбоп кўкпоя, маккажўхорига аралаштириб экилган лавлагидан 350 центнердан ҳосил олинди. Беданинг гектаридан эса катор йилларидан буён 200 центнер ва бундан кўпроқ пичан олиб келяпмиз. Бу йил бедага аралаштириб экилган судан ўтини беш-олти марта ўриб, гектаридан 650—700 центнердан кўк озуқа, маккажўхорининг гектаридан эса камида 500 центнердан силосбоп кўкпоя, арпанинг гектаридан 40 центнердан дон олишни мўлжаллаяпмиз.

Озуқа ресурсларини кўпайтиришнинг яна бир омили ҳам борки, ундан фойдаланиш хўжаликка катта фойда келтиради. Биз ҳар йилгидек бу йил ҳам 70 гектар уч йиллик бедани икки марта ўриб олгач, ёзнинг ўртасида ҳайдаб, силос учун маккажўхори экамиз. Шундай қилиб, ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 130 центнердан беда пичани ва 600 центнердан силосбоп кўкпоя оламиз.

Колхозимизда чорвачилик ҳам пахтачилик сингари илдам суръатлар билан ривожланяпти. Пахта билан фақат беда эмас, балки маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари ҳам алмашлаб экиляпти. Бу ҳам пахта, ҳам ғўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришда муҳим роль ўйнаяпти.

Эндиликда колхозимиз ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдори, ғўштга топширилаётган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини ошириш соҳасида ҳам республикада олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Ўтган йили ҳар бир сигирдан қариб беш минг килограммдан сут соғиб олинди. Ғўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 500 килограммдан кўпроқни ташкил этди.

Пахтакорларимиз каби чорвадорларимиз ҳам ғўшт, сут етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик учун белгиланган планларни муддатидан илгари анча ошириб бажардилар. Улар бу йил ғўшт ва сут етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 20—25 процент кўпайтириш, жами 65 тонна ғўшт ва 750 тонна сут етиштириш ваъда беришган. Чорвадорларимиз ваъдаларига вафо қилишяпти. Ўтган йилнинг дастлабки уч ойида 163 тонна сут етиштириб, давлатга 136 тонна сут сотилган эди. Бу йил эса 175 тонна сут етиштирилди ва давлатга қариб 150 тонна сут сотилди. 53 тонна ғўшт тайёрланиб, бу соҳадаги йиллик план хозирнинг ўзидаёқ анча ошириб адо этилди.

Шу муносабат билан колхозда сигирларнинг маҳсулдорлигини, ғўштга топширилади ган қорамолларнинг тирик вазнини бу қадар оширишга қандай қилиб эришиляпти деган савол туғилиши мумкин. Биз озуқа экинларини аралаштириб ва такрор экиш йўли билан ҳар гектар ердан бошқа хўжаликларга нисбатан икки баравар кўп сонли чорва моллари боқишга етарли озуқа оляпмиз. Шу ўринда бир мисол келтираман. Уч йиллик бедани ёзнинг биринчи ярмида икки марта ўриб олиб, сўнг ҳайдаб силос учун маккажўхори экиш орқали унинг гектаридан уч йиллик бедани ёзда ҳайдамасдан ва маккажўхори экмасдан 4—5 марта ўриб олгандагига нисбатан гектар бошига 1750 центнер кўп озуқа бирлиги олмоқдамиз. Бу йил 70 гектар уч йиллик бедани ҳайдаб, маккажўхори экиш натижасида кўшимча равишда 120 минг центнердан кўп озуқа бирлиги оламиз. Бу кўшимча равишда ўнлаб тонна сут ва ғўшт етиштириш имконини беради.

Бизда сигирлар, бузоқлар ва сўқимга қўйилган қорамоллар йил бўйи тўйдириб боқилади. Мисол учун, сигирларга қишда бир кеча кундузда олти килограммдан беда пичани, ўн беш килограммдан сенаж, йигирма беш килограммдан силос, уч килограммдан ем, ёзда эса эллик килограммдан кўк озуқа, уч килограммдан ем берилади. Сигирлардан қиш фаслида ҳар куни ўн беш килограммдан сут олинганининг боиси ҳам шунда.

Биз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг областимиз қишлоқ хўжалик механизаторларига йўллаган таблик хатида айтилганидек, пахтакор хўжалигимизда чорвачиликни ҳам интенсив ривожлантириш, ғўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд бўлган резервлардан янада тўлароқ фойдаланамиз.

М. ПЎЛАТОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК КЎРИГИ

БУГУН республикамиз пойтахтидаги муҳташам Санъат саройида В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университетининг шонли 60 йиллигига бағишланган «Университетлар дўстлиги ҳафталиги» фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлади.

III анъанавий фестивалда мамлакатимизнинг 40 дан ортиқ университети, шунингдек, қардош социалистик мамлакатлар университетларининг делегациялари иштирок этмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири фестиваль қатнашчилари билан суҳбатлашди.

ДОҲИЙ БАШОРАТИ

Абдукарим ТИЛОВБЕРГАНОВ,
Нукус давлат университети бирлашган касаба союз комитети раиси, делегация бошлиғи

—Тошкент фестивали жонажон доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тантаналарига ҳамоҳанг бўлиб кетди. Чор Россиясининг собиқ энг қолоқ ғўшаси — Қорақалпоғистонда бугунги кунда зиё таратаётган бизнинг ўқув юртимиз мамлакатнинг кенжа университетларидан ҳисобланади. Дўстлик, ёшлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бу анжуманда 70 кишилик делегациямиз иштирок этмоқда.

«Ҳурлиман» ашула ва рақс ансамбли, хор коллективимиз тошкентлик санъат мухлислари олқишини олади деб комил ишонч билан айта оламан. Тарих-география факультетининг учинчи курс студенти Б. Олламбергенов сиёсий плакатлар конкурсида «Темир қафас ортидаги озодлик» асари билан қатнашмоқда. «Ленинча миллий сиёсат —амалда» шиори остида ўтадиган илмий-назарий конференцияда тўрт киши доклад билан қатнашади.

Ҳеч шубҳа йўқки, Тошкент анжумани турли миллат ва элатлар вакиллари бўлмиш йигит-қизларнинг ҳақиқий байрамига айланади.

ЁШЛИК БАЙРАМИ

Наташа ШЧЕРБАНЬ,
Украина Россия билан қўшилганлигининг 300 йиллиги номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Днепропетровск давлат университети комсомол комитетининг секретари

—Мамлакатимиз ҳамда чет эл студент ва ёшларининг интернационал дўстлик байрамида қатнашиш бизни беҳад хурсанд этмоқда. Шу йилнинг январь ойида худди шу фестивалга ўхшаш анжуман ўтказган эдик. Унда ТошДУ йигит-қизлари зўр муваффақият қозонганликлари ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Шу боисдан республикангизга таклиф этишганида бажонидил рози бўлдик.

Бизнинг «Фестиваль» вокал-чолғу ансамбли Тошкент анжуманининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўрик-конкурсида иштирок этади.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, делегациямиз аъзолари Тошкент давлат университети студентлари билан биргаликда умумхалқ ҳашари — Бутуниттифоқ ленинча шанбаликда қатнашдилар. Фестиваль турли миллат студентлари ўртасидаги дўстликнинг буюк пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Серқуёш республикангиз, гўзал Тошкент, унинг баҳор либосига бурканган ажойиб кўча ва ҳиёбонлари бизни мафтун этди. Днепропетровскда ҳали қор аримаган, бу ерда эса кўклам. Ёшлик байрами давом этаверсин!

ШОЛИ ЭКИЛА БОШЛАНДИ

Сирдарё области шоликорлари бу йил экишга ҳар қачонгидан ҳам барвақт киришдилар. Ҳозирги кунларда Ворошилов районининг азамат деҳқонлари бу соҳада тадбиркорлик кўрсатиб ишламоқдалар.

—Ўтган йили ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказган эдик,— дейди шу райондаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг директори Э. Тималов, — бу йил эса 2850 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил оламиз, хўжалигимиз хирмонини эса 15 минг тоннага етказамиз.

Совхознинг 1-бўлимидаги Имомали Орзиқулов ва Сеидбилол Сеидсалиев бригадалари шоли экишни тамомладилар. Уруғ сепилган майдонларга сув бостириб қўйилди.

Совхоз далаларида шоли экиш оммавий тус олган. Мавжуд 17 экиш агрегатининг ҳаммасидан унумли фойдаланилмоқда.

Сирдарё областида бу йил жами 5862 гектар ерда шоли етиштирилиб, она-Ватанга 18,5 минг тонна ҳосил топширилади. Айни кунларда областнинг Сирдарё райони шоликорлик хўжаликларида ҳам экиш ишлари намунали олиб борилаётир.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Планетамизда

Эрон президентининг МУРОЖААТИ

Эрон президенти А. Банисадрнинг мамлакат халқига қилган мурожаати Теҳрон радиоси орқали ўқиб эшиттирилди.

Мурожаатда шу нарса маълум қилинадики, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Бжезинскийнинг давлат секретари Вэнсга ёзган ва АҚШнинг Эронга нисбатан агрессив сиёсатидан далолат берувчи маҳфий ҳужжат Эрон маъмурларининг қўлига тушди. Шу ҳужжат ҳам радио орқали ўқиб эшиттирилди. Унда, жумладан, президент Картер Вэнснинг Эрондаги сиёсий вазият ривожи муносабати билан АҚШ қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар хусусидаги доклади билан танишиб чиққанлиги ҳамда «бу мамлакатдаги воқеаларнинг боришига таъсир ўтказиш мақсадини кўзловчи мана шу ҳаракатларни мудофаа министрлиги, МРБ ва бошқа маҳкамалар билан мувофиқлаштириб олиб бориш зарур» деган фикр билдирилган. «Эрон шоҳининг президент билан маслаҳатлашуви вақтида айтилган иддаолар, ҳарбий ҳаракатлар қилиш зарур бўлиб қолади».

АҚШнинг иттифоқчилари орасида Тель-Авив уни алоҳида жон-жаҳди билан «қўллаб-қувватламоқда». Американинг Эн-Би-Си телевидение компаниясининг мухбири билан суҳбатда Исроил бош министри М. Бегин «тез чора кўриш корпуси» учун АҚШга ўз базаларини бериб туришга тайёр эканини айтди ва аслида Вашингтонни Эронга ҳарбий интервенция қилишга даъват этди.

Вашингтоннинг бошқа иттифоқчиларига, аввало Ғарбий Европадаги иттифоқчиларига келганда «Картер тангликни ҳал этиш учун ишлатишга ўринаётган усуллар иттифоқчиларни чўчитиб юбормоқда ва уларни иккиланишга мажбур этмоқда», — деб ёзади «Вашингтон стар» газетаси. (ТАСС).

ҚЎПОЛ ДЎҚ-ПЎПИСА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қўшма Штатлар Эронга қўпол дўқ-пўписани давом эттириб, ҳарбий куч ишлатиш билан дағдаға қилмоқда.

Республикачилар партиясидан АҚШ президенти лавозимига даъвогар, Марказий разведка бошқармасининг собиқ директори Ж. Буш Эн-Би-Си телевидение компаниясининг программасида сўзга чиқиб, Картер маъмуриятининг Эрон хусусидаги сиёсатида «кўнгилчанликлар жуда кўп ва қамчи ишлатиш мутлақо етишмаяпти» деб даъво қилди.

АҚШнинг собиқ президенти Р. Никсон ҳам милитаристлик дардига мубтало бўлди. Франция радиостанцияси учун ёзиб берилган суҳбатда у бундай деди: «ҳаракат қилиш пайти келди. Агар иқтисодий чоралар самара бермаса, агар иттифоқчилар бизга ёрдам қилмасаклар, ҳисобга олиш зарурлиги» ҳам уқтириб ўтилган. АҚШ президенти, дейилади сўнгра ҳужжатда, Эрон билан унинг қўшнилари ўртасидаги мавжуд англашилмовчилик ва ишончсизлик вазиятидан фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

У Эрондаги воқеаларнинг кай йўлдан ривожланишини олдиндан айтиш қийинлиги сабабли Эрондаги янги режимга қуролли қаршилик қилишга қодир бўлган ҳеч истисносиз ҳамма сиёсий гуруҳлар ва оқимларнинг раҳбарлари билан, шу жумладан, майда миллатлар ва динларнинг арбоблари билан ҳамда экстремист гуруҳлар билан албатта алоқа ўрнатиш муҳимлигини ҳам уқтирди. Аммо, деб таъкидланади ҳужжатнинг пировардида, президент Картер МРБ директори билан олдиндан маслаҳатлашмай туриб диний ёки сиёсий раҳбарлар билан, «Хумайни тўдаси» билан ёки оппозиция аъзолари ва олий ҳарбий қўмондонликнинг вакиллари билан ҳар қандай алоқа ўрнатишга қарши чиқади.

(ТАСС).

ПЕРСПЕКТИВ ПЛАН

ДЕҲЛИ, 22 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати 1980—81 молия йилида пўлат ҳосил қилиш планини ишлаб чиқди. Планга мувофиқ 9,386 миллион тонна қуйилма ва 7,46 миллион тонна товар пўлат ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ҳукумат топшириғини амалга оширишда давлат секторининг корхоналари асосий вазифани бажаради. Масалан, «Стил асорити оф-Индина лимитед» (САИЛ) пўлат қуйиш корпорацияси пўлат ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан ўрта ҳисобда 21 процент кўпайтиради.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

БЕРЛИН, 22 апрель. (ТАСС). Карл-Маркс — Штадидаги «Германия» химия машинасозлиги заводи СССРга машина-ускуналарнинг навбатдаги туркумини жўнатди. Совет Иттифоқи кўп йиллардан буён шу корхонанинг энг катта буюртмачисидир. Ҳозир бу ерда Германия гитлерчилар фашизмидан озод этилган кунинг 35 йиллиги шарафига мусобақа авж олиб кетди. Ишчилар шонли санагача пландан ташқари бир кунлик ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

КОММУНИСТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 22 апрель. (ТАСС). Франция Компартиясининг номзоди С. До Барем кантонида (Альп-юқори Прованс райони) кантонларга қисман ўтказилган сайловда ғалаба қозонди. Сайловчиларнинг эллик процентдан кўпроғи унинг учун овоз бердилар.

ЛИБЕРИЯДАГИ ВАЗИЯТ

Либериянинг янги ҳукумати мамлакатдаги аҳволни номаллаштириш чораларини кўрмоқда. Давлат бошлиғи ва бош министри С. Доу барча ҳарбий хизматчиларга казармаларга қайтиб келишни буюрди Маҳаллий ва чет элдан келтирилган товарларнинг нархи ўзгармайди, деб эълон қилинди. 260 га яқин снёсий маҳбус озод этилди. Маъмурларнинг руҳсатисиз қамоққа олишлар ман этилди.

Айни вақтда, Либерия ахборот агентлигининг хабар беришича, Монровияда порахўрлик ва давлатга хиёнат қилишда айбланган собиқ режиммнинг олий амалдорлари устидан суд ниҳоясига етмоқда.

Айбдорлар орасида собиқ министрлардан Ж. Чессон, К. Паркер, Ж. Филлипс, Ф. Нил ва тўнтариш вақтида ўлдирилган собиқ президент Толбертнинг бошқа шериклари бор.

Иккинчи марта тўнтариш қилишга уринишда айбланиб қамоққа олинган 36 ҳарбий хизматчининг иши юзасидан тергов давом этмоқда. Толберт тарафдорлари — исёнчилар пистирма қурдилар. Шунинг натижасида артиллерия полкининг қўмондони И. Журва ҳалок бўлди. Исёнчиларнинг яширинган раҳбари майор У. Жербо қидирилмоқда. Бир вақтлар у Форт-Беннинг (Жоржия штатидаги) Америка «рейнжерлар» мактабида таълим олган эди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ. БКП «Партиздат» нашриётн В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига жаҳон пролетариати доҳийсининг мақолалари ва нутқлари киритилган китобчалар туркумини чиқарди. Бу китоблар мазмуни ва безакларн жиҳатидан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейнгн дастлабки йилларда Болгарияда нашр этилган Ленин асарларининг аниқ нусхасидир.

● ПАРИЖ. Бу ерда ЮНЕСКО штаб квартирасида оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги ва уларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро конференция ўз ишини тамомлади. Конференция қатнашчилари якунловчи мажлисда тавсияларни бир овоздан тасдиқладилар. Бу тавсияларда ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларига ёрдам бериш ва кўмаклашиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур эканлиги таъкидланди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистонни иқтисодий ривожлантириш ҳукумат лойиҳасини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағ қариб икки баравар оширилади. Бу ерда мамлакат давлат банклари директорларининг бўлиб ўтган йиғилишида ан~ шу ҳақда қарор қабул қилинди.

● ЖАЗОИР. Бу ерда Жазоир Халқ Демократик Республикаси президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари Шадли Бенжедид раислигида Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари империализм ва унинг агентурасининг ҳар қандай ҳаракатларига қарши, мамлакат сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қатъий кураш олиб бориш зарур эканлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

СИЁСИЙ ТЕЛБАЛИК ЖАЗАВАСИ

Қуёш активлиги максимуми программасига оид тадқиқотлар учун ўз куч-ғайратларини бирлаштирган ҳўкумна мамлакатларнинг етакчи астрофизиклари шу йил баҳорда Қримда учрашиш ва ўз кузатувлари маълумотларини ўртоқлашиш имкониятидан маҳрум этилди. Қрим астрофизика обсерваториясидаги учрашув бошланишига атиги бир неча кун қолганда қуёш активлиги йили халқаро комитетининг раиси голландиялик профессор Де Ягер Америка олимларидан АҚШ маъмуриятининг Совет Иттифоқига боришга ижозатнома бермаганлиги тўғрисидаги хабарни олгач кенгашни бекор қилишга мажбур бўлди.

Сиёсатдонларнинг йирик илмий халқаро лойиҳалар муваффақиятига бундай қулоқ эшитмаган тажовузига халқаро илмий ташкилотларда чорак аср ишлаш давомида ҳали дуч келмаган эдим. Мана шундай жаҳоншумул эксперименталарнинг дунё фани учун аҳамияти нақадар катта эканини ҳар қандай соғлом фикрли кишига тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. АҚШ маъмуриятн ўйламай-нетмай қилаётган ва сайлов олдида айниқса авжга чиққан бемаъниликлар ҳам бу йилги кўкламда ўзининг максимум даражасига кўтарилганлиги кўринмоқда.

Жуда аянчли, аммо ибратли бир факт тарихда сақланиб қолган: бир давлат арбоби ўз мамлакатида илғор ғояларнинг тарқалишидан хавфсираб, ҳамма китобларни майдонларга олиб чиқиб ёқишни ошкора буюрган эди. Бугун эса бошқа бир арбоб ҳар қандай жаҳон турмуш нормаларини писанд қилмай, ҳамкорлик кўприкларини ёқиб ташлашни талвасага тушиб даъват қилмоқда. Афсуски ҳозирги фан мана шу кўприкларсиз ривожлана олмайди.

Биз вужудга келган вазият хусусида американинг ҳамкасбларимиз билан фикрлашдик. Улар ҳам ҳайрон бўлиб елкаларини қисмоқдалар, аммо руҳларини тушнирмаяптилар. Ҳамма обсерваторияларнинг иши давом этмоқда. Ноёб маълумотлар тўпланмоқда. Эҳтимолки, шу маълумотлар турли мамлакатларнинг физиклари, метеорологлари, медиклари учун қуёшнинг янги сирларини очиб берар. Биз шунга аминмизки, тасодифан қуёш активлиги йилига тўғри келган сиёсий бемаънилик жазаваси бутун дунё олимларининг, шу жумладан америкалик олимларнинг бутун инсоният учун муҳим бўлган проблемаларни ҳал этишга биргаликда сарфланаётган кучғайратларни мустаҳкамлашга интилишини тўхтата олмайди.

Н.ПУШКОВ,
СССР Фанлар академияси қуёш — ер алоқалари физикаси илмий кенгашининг раиси. (ТАСС).

БОҒ-РОҒЛАР КЕНГАЙСИН ДЕБ

Совхозимиз мевали дарахт кўчатларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида бир миллион тупдан кўпроқ кўчат етиштириб, белгиланган планни анча ошириб бажардик. Беш йиллик план доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун — 22 апрелгача ўддаланди.

Бу йил баҳорда планда кўзда тутилган 254 минг тупўрнига 398 минг туп мевали дарахт кўчатларини колхоз ва совхозларга, корхона ва ташкилотларга етказиб бердик. Натижада жойларда олма, ўрик, шафтоли, беҳи, нок, олхўри, олча кўчатлари ўтган йилдагига нисбатан анча кўп ўтказилди. Кўчат етиштиришда бўлим бошқарувчиси Расул Темирбоев, бригадир Ражаб Жуманиёзов, боғбонлардан Тўрабой Қўлдошев, Қуронбой Саидов, Оймон Жабборова, Болтабика Тўрамуродоваларнинг ғайрати ва фидойилигини алоҳида қайд қилсак арзийди.

Биз воҳамизни боғ-роғларга буркаш йўлида кучғайратимизни аямаймиз.

И. ҚУРЕЗОВ.
Урганч мевали дарахт кўчатлари етиштириш совхози директори.

БЕДА ЭКИБ БЎЛИНДИ

АНДИЖОН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан рухланган Андижон области деҳқонлари беда экишни гамомладилар. Область бўйича 9343 гектар майдонга янгидан беда сепилди ва бу соҳадаги план ошириб бажарилди.

Янги экилган беда биринчи йили суст ривожланади ва кам пичан беради. Шунинг учун андижонликлар бедани арпа, буғдой ва судан ўти билан аралаштириб экишга алоҳида эътибор бердилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг Революцион Кенгаши декрет чиқарди. Шу фармонга кўра мамлакатнинг барча граждаклари миллати, жинси, диний эътиқоди, социал ва иқтисодий аҳволидан қатъий назар билим олишга тенг ҳуқуқлидир. Шу ҳужжат туфайли мамлакатда текин умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди. Шу декретга мувофиқ Афғонистоннинг барча гражданлари исталган тилда ўқишга ҳақлидирлар.

АНҚАРА. Бутун Туркияда ўнг минглаб металлислар, ўқитувчилар, бошқа касб ишчиларининг забастовка кураши давом этмоқда. Улар иш ҳақи кўпайтирилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Мамлакатда етакчи банклардан бири «Усмонли банкаси» хизматчиларидан бир ярим мингдан ортиқ киши иш ташлашга тайёрланмоқдалар. Уларнинг маъмурият билан олиб борган музокаралари боши берк кўчага кириб қолган. Туркиянинг «Турк ҳаво йўллари» авиакомпанияси ходимлари икки ойдан кўпроқ вақтдан бери иш ташламоқдалар.

* * *

Туркия парламенти ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида президент сайлаш тўрт ҳафтадан бери узлуксиз давом этмоқда. Аммо 40 марта овоз берилгандан кейин ҳам давлатнинг янги бошлиғи сайланмади. Ҳукмрон адолат партиясининг расмий номзодлари С. Билгич ва оппозициядаги асосий халқ республикачилар партиясининг номзоди М. Батур сайлов давомида зарур бўлган мутлақ кўпчилик 318 овозга эга бўла олмадилар.

БАЙРУТ. Исроил парламентининг бир группа депутатлари Нордан дарёсининг ғарб соҳилида самолётлардан гоят кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларни қишлоқ хўжалик экинзорларига сепиш тўғрисида фармон берган оккупациячи маъмурларнинг ҳаракатини текшириб чиқишни талаб қилдилар. Араблар истиқомат қилувчи Дур, Амазия ва Идна қишлоқларининг вакиллари босқинчиларнинг ана шу ваҳшиёна ҳаракати натижасида галла, арпа, экинлари, шунингдек 40 гектардан кўпроқ ердаги зайтунзорлар тамомила яксон бўлганлигини маълум қилдилар.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЁРҚИН ИСТЕЪДОД

«Ойгул билан Бахтиёр», «Зайнаб ва Омон», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд», «Ўлка», «Бахт», «Қўлингга қурол ол!», «Бахтлар водийси»... Бу асарлар 30-йиллар ва Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиётининг ёрқин намунаси бўлиб қолди. Кескин бурилишлар, чексиз юксакликка кўтарилишлар даврининг ҳужумкор, ғолибкор, бунёдкор руҳини акс эттиришда Ҳамид Олимжоннинг реалистик оламида романтик йўналиш фавқулодда кучли намоён бўлди. Менинг назаримда, бу Ҳамид Олимжон поэтик ижодида чақмоқдек чақнаган олий бир нуқта. Бу, биринчидан, ўтмишни акс эттирганда халқнинг фақат чексиз изтиробини, хор-зор бўлганини, фарёдини, турмушнинг фожиага тўла дўзахлигини қуюқ бўёқларда кўрсатганида, иккинчидан, янги социалистик ҳаётнинг, бунёдкорларнинг мўъжизаларга бой ёлқинли томонларини кўтаринки романтик бир руҳда ифода этганида намоён бўлади. Биринчисида чексиз алам, қайғу, нафрат, иккинчисида эса чексиз қувонч ва ғурур ҳукмронлик қилади. Худди шу нуқта шоирнинг шахсиятини, индивидуал қиёфасини, ўзига хос услубини белгилашга имкон беради.

Мамлакатда синфий кураш давом этаётган йилларда Ҳамид Олимжон янги ҳаёт оқими ва меҳнаткаш халқнинг куч-қудратидан илҳом олиб, душманга қарши ғазаб ва нафратни ёлқинли ифодалаш йўлини излайди ва қуйма, жарангдор мисраларда, кўтаринки бир руҳда акс эттирди.

Бошқа асарлардаги сингари «Мудофаа кунларида» шеърида ҳам лирик қаҳрамон қудратли, фаол ва фидойилик намуналарини кўрсатишга тайёр. Душман таслим бўлмаса, уни янчиб, мажақлаб ташлашга шай. Унинг қаҳр-ғазаби кўтаринки, чексиз. Янги ҳаётнинг қудратли, кун сайин юксалиб боришининг романтик оғушида мағрур олға босади. У ўз тақдири ва мамлакатининг хўжайини. Бахтини, келажагини ўз қўли билан яратган мағрур инсон. Бу ўринда шоирнинг яна бир шеърини эслайлик: «Нима бизга Америка!» Шоир ва лирик қаҳрамон шундай хитоб қилади. Чунки, мамлакатнинг жуда қисқа бир даврда юксалиш темпи, суръати беқиёс кенг ва шиддатли, буни америка фордларн ҳеч ҳам тасаввур қила олмайди. Шоир ўзининг лирик қаҳрамони руҳи ва кечинмаларини энг олий, энг юксак бир нуқтада эҳтирос билан ифодалайди. Яна бир шеърини эслайлик. Бахтиёр ва озод бунёдкор инсон — «Бахтлар водийси» шеърининг асосий қаҳрамони. Фарғона водийси — Ҳамид Олимжон учун она диёрнинг рамзи, мужассам тимсоли. Шоир Фарғонанинг ўтмишини алам-ситам, қаҳр-ғазаб билан эслайди. «Бўйнига қора тўрва осган», гадойликда жабр тортган «онлари»дан фарёд қилади. Сўнгра кучли бир руҳий туғён билан шоир диёрининг ўз озодлиги ва эрки учун «бош кўтариб», ўзини иноқлобий тўлқинга отганлигини, ўз фарзандларини «ювиб, тараб, севиб, ўпиб, қучиб, опичлаб», бахтиёр кишиларни «балоғатга етказган она» —ўлкани ажиб маҳорат билан тўлқинланиб мадҳ этади.

Шоир моҳир рассом сингари кўм-кўк водийнинг романтик картинасини яратади. Қўклам қуёшидан «кўкарган қирлар», «пўлат ялғинларини кўтарган ерлар», «булоқ сувларига юзини ювган», «мармар ҳаволарнинг қўйнига чўмган», «мустақиллик ишқи билан ёнган далалар»ни қаяжонланиб жонлантиради ва унга романтик бўёқ беради. Китобхон кўз ўнгида диёр фақат латофати ва бокира манзараси билан эмас, энг муҳими — муттасил олга интилишдаги тароватн билан ёрқин гавдаланади ва «елкасига тарих билмас ғалаба ортган», «истиқболнинг ишқи билан ёнган», «улуғ йўлда толиқмасдан тез кетаётган» «бутун борлиги-ла орзуга тўлган», «томирлари қучга тўлган» навқирон Фарғонага мафтун бўлади. Шоир она диёрни ўз меҳнати билан гўзал бир ўлкага айлантираётган пахтакорларни, ҳаётимизнинг юксалиб боришини таъмин этаётган совет кишиларининг фидокорлигини ёлқинли мисраларда улуғлайди. Ва «юлдузга интилган бу давр мағрур» дея бор овози билан ҳайқиради. Ҳаётдаги улкан ўзгаришларни кўтаринки романтик руҳда акс эттирган бу шеър мумтоз ва беқиёс бадиий асарлардан бири бўлиб қолди.

«Ўрик гуллаганда» шеъри ҳам худди шундай, яъни мумтоз бир лирик асар. «Ўзбекистон» шеърида шоир она диёрнинг қудратли романтик картинасини бениҳоя юксак бир нуқтада жозибали ва ёрқин гавдалантиради..

«Тоғлардаги қип-қизил лола» шоир қиёфасида «гўё ёқут пиёла». Баҳорнинг бутун латофатини романтик бўёқларда сержилва қилиб ифодалайди ва шу йўл билан она диёр гўзаллигини янада бўрттириб кўрсатади. Шоир наздида бу ўлка гўё афсонавий гўзал диёр. Чунки, «бу ўлкада ҳамма нарса бор, кўрмаганлар доим хумор». Бу «Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган чаванДозлар» диёри. Арғумоқлар қўшиғи баҳор чоғи пишқирган селда аксадо беради. Шоирнинг романтик фантазияси кучи билан бу ажиб диёр даласида тиконлар ўсмайди, чўлларда илонлар чопмайди, қуш учганда қаноти куймайди, кулбаларни қум босмайди. Худди шу тарзда шоирнинг романтик фантазияси, ҳиссиётларини шиддатли лирик тўлқинни вужудга келтиради. Шу боисдан она диёрда «булбул китоб ўқийди, қуртлар ипак тўқийди, ари келтиради бол, қушлар топади иқбол». Шоир ўжар табиатга романтик тус беради ва муболаға усулидан моҳирлик билан фойдаланади: «Бунда қорнинг тагларида қиш баҳор учун сўйлайди олқиш», «бир ўлка-ки, ҳуснга бойдир, унинг энг эўр кўзгуси ойдир», «бир парча ўт бўлиб бунда кун, пахтасига ишлайди ҳар кун». Ҳамид Олимжон оддий турмуш фактларига ҳам поэтик ва романтик тус бера оладиган моҳир санъаткор эди. «Ботирлари канал қазади, шоирлари ғазал ёзади, қўйчилари ўқийди ялла, жувонлари айтади алла, пазандаси ёпади ширмон, қарилари қутади меҳмон». Шоир шеърида она диёрнинг беқиёс гўзаллиги ва қудратли кучининг асосини юқори бир нуқтада қоғт самимий оҳангларда ифодалайди: «Бу шундайин ажиб диёрдир, бунинг қизиқ ҳикмати бордир: Москвада суянган тоғи, Ғуржистонда севган ўртоғи — унга ҳусн ва ифтихордир. Узоқ Шарқда қўшини бордир. Шунинг учун тинчдир ул қўнгул, шунинг учун осойишдир ул, Ёвларига осмон тутундир, шунинг учун бағри бутундир».

Шоирнинг поэтик фантазияси ниҳоятда кенг, кутилмаганда янги-янги ҳодисаларга мурожаат қилади, уларни шеърнинг бадиий тўқимасига жасорат билан олиб кириш йўлларини топади, айни вақтда ҳодисаларга юксак руҳ ва ёрқин бўёқ беради.

Она Ватан мавзуи Ҳамид Олимжон ижодининг марказини ташкил қилади. Бахт ва шодлик манбаи бўлиб қолган Ватан шоирга ҳам чексиз илҳом берди, шоир эса ўз навбатида бахт ва шодлик, Ватаннинг чинакам куйчиси сифатида довруг солиб ўтди. Ватан тушунчаси Ҳамид Олимжон учун фақат азиз Ўзбекистонгина эмас, балки бениҳоя теран ва кенг — жаҳонда биринчи бўлган Советлар мамлакати қиёфасида гавдаланади. Улуғ Ватан уруши даврида Ватан ҳимояси, ғалабага ишонч, курашга чақириқ, совет ватанпарварлиги, ленинча халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми руҳида яратилган минглаб асарларда муштарак хислатлар беҳад кўп. Бу табиий ва қонуний бир ҳол, албатта. Лекин бу борада битилган минглаб поэтик асарлар орасидаги Ҳамид Олимжоннинг қатор шеърий дурдоналарини, унинг имзосисиз ҳам ҳеч қийналмасдан билиб олиш мумкин. Чунки, улар «мана мен» деб қудратли поэтик тутғени билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўринда шоирнинг «Қўлингга қурол ол!», «Россия», «Ниҳол», «Жангчи Турсун» асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Бу асарлар китобхонлар оммасига ёд бўлиб кетган. «Зайнав ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр» каби «Россия», «Жангчи Турсун», «Роксоланинг кўз ёшлари», «Муқанна» асарлари ҳам адабиётимизнинг мумтоз намуналари бўлиб қолди. Ҳақиқий санъаткорлар ўзининг бебаҳо асарлари билан мангу навқирондир, дейишади. Ҳа, Ҳамид Олимжон ҳам ҳамиша бардҳаёт, дурдона асарлари билан ҳамиша мангу навқирондир.

А. ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори.

Нукус районидаги «Нукус» совхозида ишга туширилган теплица меҳнаткашлар дастурхонига икки йилдан бери помидор билан бодринг етказиб бераётир. Теплица коллективи бу йил 330 тонна маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олиб ишламоқда. Суратда: хўжалик директори Р. Ерланов, совхоз ишчиси Ойимгул Есаева теплицада.

Р. Саидов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ЕШЛАР ҒАЙРАТИ БИЛАН

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг 35 йиллиги шарафига ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Бутуниттифоқ комсомоли Ғалаба паркини барпо этиш тўғрисида»ги қарорига жавобан Ленинобод области комсомолёшлари Қорақалпоғистон Автоном Республикасида биринчилардан бўлиб Ғалаба парклари, хиёбонлари барпо этишга киришдилар. Бу ишда райондаги шоличиликка ихтисослаштирилган «Советская Каракалпакия» совхозининг комсомоллари, айниқса, намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти комсомол-ёшларнинг Ғалаба парклари бунёд этиш ҳақидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, 2 гектар ер ажратиб берди. Совхоздаги 204 ВЛКСМ аъзоси ўқиш ва ишдан бўш вақтларини бу ерларни текислаш, ариқлар қазиш, кўчат ўтказиш ишларига сарфламоқдалар. Ешларнинг кучи билан бу ерга 5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шу райондаги «Партия XXII съезди» совхозига жойлашган Ажиниёз номли ўрта мактаб пионер ва ўқувчилари эса бир гектар майдонда Ғалаба боғини бунёд этаётирлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЗАРБДОР ОЙЛИК

Чироқчи районида баҳорги кўчат ўтқазиш ойлиги қизғин олиб бориляпти. Район хўжаликларида 100 минг туп тут, 120 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 150 минг туп тик қаламчалари экилди. Охунбоев номли совхозда 20, «Восход» совхозида эса 25 гектарпик Ғалаба боғлари ташкил этилди. Шунингдек, Максим Горький номли, Файзулла Хўжаев номли совхозларда ҳам кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

РАССОМЛАР СОВҒАСИ

Улуғ мутафаккир Абу-Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигини 1980 йилнинг август ойида бутун дунё нишонлайди. Бу санани тошкентлик амалий санъат усталари ҳам муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Таниқли ҳайкалтарош Маҳмуд Гасимов мис лаганга Абу Али ибн Сино портретини ўйиб ишлаб, Бу сурат ибн Сино ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган Бухоро тарихий музейидаги экспозициядан ўрин олади.

Рассом Алексей Панов эса қуйидирилган лойдан деворга осиб қўйиладиган медаль эталони яратди. Медалнинг олд қисмида дунёга машҳур олимнинг ўткир психологик сиймоси ўз аксини топган. Унинг гир айланасига 980—1980 рақамлари билан бирга олимнинг исми рус, лотин ва араб тилларида ёзиб қўйилган.

Шу пайтгача танга, турли медаллар, нишон тўпловчилар ўн аср давомида улуғ ҳакимнинг бундай кабариқ шаклдаги портрети яратилганлигини билмайдилар.

Ўзбекистон «Медицина» нашриёти Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг олимнинг рангли линогравюрадаги портретини кўп нусхада чоп этди.

О. АПУХТИН.

Суратларда: 1. А. Пановнинг «Авицена» сувенир-медали. 2. М. Гасимов «Абу Али ибн Сино» рельефини ишлаётган пайт. Автор фотолари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИ: ёритиш ва ёритгич тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 процента, қолганларга эса 33 процента берилади.

Совет Армияси сафидан қайтиб келиб электромонтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ишлайди.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка. 3х4, см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе районы, Ивановнинг тўқимачилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 10, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДА 26—27 АПРЕЛДА 1980 йилги Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг иккинчи чиқарилиши бўйича

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТҚАЗИЛАДИ

Тиражда 366 мингта пул-буюм ютуқлари ўйналади. Жумладан, 30 та «Жигули», «Запорожец» автомашиналари, 80 та аравачали мотоциклар, кўп миқдорда гиламлар, гилам поёндозлар ва бошқа қиймматбаҳо буюмлар ҳамда йирик пул ютуқлари бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

Ютуқлар тиражида қатнашинг!

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика Бош бошқармаси.

●

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: қурт уруғини ишлаб чиқариш ва пебринага қарши курашиш йўлларини ишлаб чиқиш (2 ўрин), виллага дастлабки ишлов бериш (2), боқиш технологиясини ишлаб чиқиш, иқтисод;

ипанчилик бўйича селекция марказининг Бўстонлиқ группаси раҳбари.

Конкурс муддати — 19 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702044. Тошкент область, Калинин район, Жаранг алоқа бўлими. Телефон: 46-16-01.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири: эмбриогенез биохимияси;

лаборатория катта илмий ходимлари: гормонлар биохимияси (2 ўрин), цитохимия ва электрон микроскопия (2), эмбриогенез биохимияси (2);

лаборатория кичик илмий ходимлари: гормонлар биохимияси, оқсиллар биохимияси, цитохимия ва электрон микроскопия (2), эмбриогенез биохимияси (3), биологик мембраналарнинг структуравий тузилиши, радиоаоцион биохимия (хўжалик шартномаси бўйича).

Конкурс муддати — 11 майгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри — 125. М. Горький проспекти, 56-уй.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ташкилий-методика бўлими мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 7 майгача.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй.

●

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

(К. Маркс кўчаси, 32-уй) 18 май соат 11.00 дан бошлаб институтга кирувчилар учун

«Очиқ эшиклар куни»ни ўтказади

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 23/IV да Инқилоб тонги, 24/IV да Қизил айловдаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IV да Сув келтирган азиз, 24/IV да Кўнгли ёш қариялар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да Корчалонлар (19.00), 24/IV да Бадбашара ёхуд Эзоп (19.00).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика театр жамияти, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри коллективлари Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон театр жамиятининг аъзоси И. Болтаевага турмуш ўртоғи

Ризо БОЛТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзэнергосбит» коллективи «Ўзэнергосбит» бошлиғининг ўринбосари

Марлен Янгинович ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика «Ўзкультторг» улгуржи савдо базаси коллективи бўлим бошлиғи А. Н. Мавлонхўжаевга отаси

Набихўжа МАВЛОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОТАЛИҚҚА ОЛИШДИ

Боғлар маскани Наманганда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Партия, совет ва комсомол ташкилотлари вакилларининг ташаббуси билан шаҳарда Ғалаба боғи барпо этилмоқда.

Ғалаба боғининг умумий саҳчи 500 гектар. Унда 50 минг томошабинга мўлжалланган стадион, хоккей, отчопар, кураш ва спортнинг яна бошқа хиллари билан шуғулланадиган майдончалар барпо этилаётир. Шунингдек, боғ территориясида дам олиш хиёбонлари, сузиш бассейни ҳам бўлади. Боғга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш давом этмоқда. Шаҳар комсомол комитети Ғалаба боғидаги ниҳолларни парвариш қилиш ва боғга етказишни ўз оталиғига олди.

Т. НАЗИРОВ.

физкультура ва спорт

ШАШКА:

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Тошкентдаги Марказий шахмат-шашка клубида республика XXIV чемпионати давом этмоқда. Бу йилги мусобақалар биринчи ва олий лига вакилларининг иштирок этаётганлиги билан диққатга сазовордир. Биринчи лига аъзолари 18 кишидан иборат бўлиб, шундан ғалабага эришган 6 нафар шашкачи олий лигачиларнинг шу йил сентябрда Тошкентда ўтказиладиган мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар халқаро классли спорт мастери С. Давидов ва 7 спорт мастери қатори Ўзбекистон чемпиони номи учун курашадилар. Мазкур бахсда куч синашадиган мастерликка номзодлар спорт мастери нормативини бажаришлари мумкин бўлади. Шашкачилар учун бундай имконият биринчи марта яратиляпти.

Дона суриш бахсларида спорт мастерлари —спартакчи Ш. Екубов, пахтакорчилар Ю. Андрисин билан А. Эндлин, «Локомотив» жамияти аъзолари А. Кац билан Я. Фридманлар, шунингдек, беш спорт мастерлигига номзод, 10 нафар биринчи разрядли шашкачи иштирок этмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР,
спорт мастери.

Республикамиз пойтахтида бир неча кундан бери Универсиада программаси бўйича мусобақалар давом этмоқда. Спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, бокс бахслари ниҳоясига етиб, голиблар аниқланди. Бугун марказий «Пахтакор» стадионида Универсиаданинг тантанали очилиш маросими бўлади.

Универсиада мусобақаларида иштирок этиш учун РСФСР, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат университетларининг студентлари келишган. Дорилфунун талабалари ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мусобақа бу сафар 16-марта ўтказиляпти. Универсиаданинг бу сафаргиси В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг 60 йиллик юбилейига бағишланган. Бундан 15 йил аввал Иркутск, Новосибирск ва Олмаота университетларининг спортчилари иштирокида биринчи марта Универсиада ўтказилган эди. Кейинчалик Узоқ Шарқ, Урал ва Ўрта Осиё республикаларининг дорилфунунлари ҳам қўшилди.

Универсиада мусобақаларини ўтказишдан мақсад олий ўқув юртларида спортчи ёшларнинг маҳоратларини оширишдан иборат. Дастлабки Универсиадада мусобақа низомига кўра ҳар қандай разрядли спортчи бахсларда иштирок этишига руҳсат этилар эди. Ҳозир разряди биринчидан паст бўлган спортчилар Универсиадага қўйилмайди. Универсиада мусобақалари туфайли спортнинг кураш, гимнастика, бокс, енгил атлетика турларини ривожлантиришда муваффақиятларга эришилди.

Республикамиз пойтахтида Универсиада иккинчи марта ўтказилмоқда. Бундан ўн йил аввал тошкентлик мухлислар мусобақа иштирокчиларини илк бор қаршиладилар. Тошкент давлат университети студентлари ўзига хос йирик мусобақада ажойиб ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар, йилдан-йилга мавқеларини мустаҳкамлашяпти. Тошкентлик ёшлар шу кунларда давом этаётган мусобақаларда ҳам маҳорат кўрсатишяпти. Бахслар «Меҳнат резервлари» спорт комплексида бадиий гимнастикачиларнинг чиқишлари билан бошланди. Тўрт кун давом этган нафосат кўригида тошкентликлар 604 очко жамғариб Универсиада чемпиони бўлишди. Қозоғистонлик гимнастикачилар иккинчи, пермликлар учинчи ўринни олдилар.

Бадиий гимнастика бахсларида тошкентлик Ольга Тимофеевانинг чиқишлари таҳсинга лойиқ бўлди. У ўзининг маҳорати билан Универсиаданинг мутлақ чемпиони номини олди. Қозоғистонлик Дина Мусиғина шахсий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, яна бир вакилимиз — Лола Зоирова учинчи ўринни эгаллади.

Баскетбол мусобақалари давом этмоқда. Аёллар командаси «Ёшлик» спорт аренасида куч синашаётган бўлса, йигитлар Округ офицерлар уйи спорт залида бахслашмоқдалар. Тошкентликлар дастлабки учрашувни Свердловскнинг Уральск давлат университети баскетболчилари билан ўтказиб, 50:29 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шу куни Тюмень — Омск (60:23), Қозоғистон — Қирғизистон (86:37), Томск — Пермь (64:28) университетларининг командалари ҳам ўзаро куч синашдилар. Тошкентлик баскетболчи йигитлар Олтой университети командасидан 87:53 ҳисобида устун келдилар. Иккинчи куни эса йигитларимиз новосибирсклик тенгдошларини (90:50) дорга қолдирдилар. Қизларимиз эса Пермь университети командаси билан ўйнаб (47:44), муваффақиятга эришишди. Учинчи куни ҳам тошкентлик қизлар муваффақият қозондилар. Улар бу сафар омсклик дугоналари билан (44:37) учрашдилар.

Ҳозирча тошкентлик йигитлар биринчи группада пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи группага кирувчи коллективлар ўртасида Иркутск ва олмаоталик спортчилар мағлубиятсиз ўйнамоқдалар. Аёллар командалари ўртасида Тошкент, Қозоғистон ва Томск университетларининг коллективлари олдинда боришмоқда. Энди Универсиада программасига мувофиқ классик кураш, волейбол ва енгил атлетика бўйича мусобақалар бошланади. Мусобақалар пайтида мутахассислар жаҳон Универсиадасида куч синашишга қодир спортчиларни танлайдилар.

Х. БОЙМУРОДОВ.

БУГУН ТОШКЕНТДА УНИВЕРСИАДАНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛАДИ

СТУДЕНТ-ЁШЛАР АНЖУМАНИ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мангу яшайдиган қўшиқ. Бадиий фильм. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Классик кураш бўйича Европа чемпионати. 16.45 — Рус тили. 17.15— Горичлар, қаердасиз! 17.45 — Фильм-концерт. 18.09 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 18.15 — Хоккей бўйича Швеция кубоги. Швеция —Канада терма командалари. Таниффус пайтида дунё воқеалари. 20.15 — Серафима ороли. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Нима! Қаерда! Қачон! Телевизион викторина.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Тенгдошларнинг ижоди. 17.35 — Биз — чилангарлар. 17.45 — Нурафшон даврасида. 18.15—Ҳужжатли фильм. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Х. Олимжон туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган музикали адабий композиция. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевиденеси ва радиоси ўйин ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳам пахта, ҳам чорва. 22.20 —Олтинчи июль. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Биология. 21.25 — Совет далати ва қишлоқ асослари. 21.55 — Физика. 22.55 — Пауза. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Ўзбек Давлат филармониясининг солистларининг концерти. 9.30 — Область театрларининг артистлари ижро этади. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Паррандачилик саноат негизида. 13.30 — И. Штраус куйлари. 14.00— Ипак пахта усталарининг далаларида. 18.15 —Ўзбекистон спортивний. 18.50 — Музика ва кино. 19.20 — Дала шийпонлари оромгоҳ бўлсин. 19.45 — Гижжакда Т. Жўраев чалади. 20.20 — Янги музикани ёзувлар. 21.00 — Бунёдкорлар. 21.10 — Я. Шамшаров. «Чирок» романидан парча. 21.30 — Концерт. 22.30 — Талабларга биноан концерт. 23.20 — Тинглаб, дам оламиз.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-84-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясы пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-13, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-28, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, ижтимоий-иқтисодий таҳлил — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-21; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01950. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. 94. 6